



"Ёпиқ мавзу" даги очик бахс 2

АЛИМЕНТДАН ҚОЧГАН ОТА ЖАЗОДАН ҚОЧОЛМАДИ 3



Дарсона ва ҳақиқат 4

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил

18 июль

ШАНБА

№ 47 (13308)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Куни кеча Президентимиз бошчилигида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри ва вилоятимизда коронавирусга қарши курашиш борасидаги ишларни танқид қилди ҳамда масъулларни огоҳлантирди.

Хабарингиз бор, коронавирус касаллиги юртимизга кириб келганидан бери давлатимиз раҳбари эпидемиологик ҳолатни жиддий назоратга олиб, деярли ҳар бир йиғилишда бу масалага тўхталиб ўтмоқда, янги топшириқлар бермоқда. Жойларда бу борадаги ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари деярли ҳар куни олинаётганига қарамай, улар ҳозирги мурраккаб вазиятни тўғри баҳолай олмаётгани, хавфни тушуниб етмаётгани аёнлашди.

БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Хабарингиз бор, коронавирус касаллиги юртимизга кириб келганидан бери давлатимиз раҳбари эпидемиологик ҳолатни жиддий назоратга олиб, деярли ҳар бир йиғилишда бу масалага тўхталиб ўтмоқда, янги топшириқлар бермоқда. Жойларда бу борадаги ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари деярли ҳар куни олинаётганига қарамай, улар ҳозирги мурраккаб вазиятни тўғри баҳолай олмаётгани, хавфни тушуниб етмаётгани аёнлашди.

Ҳолатлари ҳам кўпайган. Дорихоналарда вирус ва иситмага қарши препаратлар нархи асоссиз, бир неча баробар ошириб юборилган.

Президент бундай ачинарли ҳолатлар аҳолининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Клиникалар ҳузуридаги мобил гуруҳлар сонини уч баробар кўпайтириш вазифаси юклатилди. Зангиота туманида яқинда иш бошлаган шифохонадаги жой сонини яна 1000 ўринга кўпайтириш топшириги берилди.

Давлатимиз раҳбари аҳолидан тушаётган мурожаатлар сони кескин ортиб бораётганини ҳисобга олиб, колл-центрлар алоқа воситалари ва операторлари сонини камида икки баробарга ошириш лозимлиги таъкидлади.

Ҳозирги синовилий вазиятда кундалик эҳтиёж моллари ва зарурий озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши, нархлари асоссиз ошиб кетмаслиги жуда муҳим. Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга бу масалани ҳам қатъий назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Пандемияга қарши ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бу борада қилинаётган кундалик ишларни ҳолис ва тезкор ёритиш муҳимлиги таъкидланди.

– Яна бир бор таъкидлайман. Айни пайтда бутун дунё, шу жумладан, биз ҳам кўринмас душман билан чин маънода уруш олиб бораёмиз. Бу вируснинг барча хавф ва хатарини тўғри баҳолаб, ҳар томонлама тайёргарлик кўриб курашсак, уни албатта енгамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, йиғилишда Республика махсус комиссиясига бу икки ҳудудда коронавирус тарқалишига қарши кураш ва аҳолини даволаш ишларига алоқадор барча вазирлик ва идоралар, йирик тиббиёт муассасалари раҳбарларидан иборат 24 соат ишлайдиган штаблар ташкил қилиш кўрсатмаси берилди.

Ушбу штаблар вазиятни реал вақт режимида назорат қилиб, юзага келатган муаммоларни тезкор ҳал этиш чораларини кўради.

Бундан ташқари, пойтахт вилоятидаги поли-

Тошларга жило бериб

Ўрта Чирчиқ туманининг Ким Пен Хва номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Bazalt granite" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Корхонада қурилишда фойдаланиш учун гранит маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бунинг учун хом ашё Навоий вилоятидаги конлардан олиб келинаёпти.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, лойиҳанинг умумий қиймати 10 миллиард сўм. Тўлиқ қувватда фаолиятини бошлагач 60 иш ўрни яратилади. Бугунги кунда маҳсулотлар Тошкент ва Нурафшон шаҳарларидаги қурилиш корхоналарига жўнатилаёпти. Келгусида Тожикистон ва Туркменистонга экспорт қилиш режалаштирилган.

– Гранитларга ишлов бераётган махсус



техникалар Хитойдан олиб келинган, – дейди корхона иш бошқарувчиси Ҳабибулло Зокиров. – Ишчи-ҳодимлар хитойлик мутахассислардан техникаларни бошқариш сирларини ўрганишди.



Яхши хабар

Шу боис, иш самарадорлиги ортиб бормоқда. Яқинда ишлаб чиқараётган гранит маҳсулотларимизнинг умумий ҳажми 10 минг квадрат метрга етди.

ТАНҚИД ЎРИНЛИ, ХУЛОСА ҚАНДАЙ?

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият муҳо-

камасига бағишланган видеоселектор йиғилишида вилоятимиздаги вазиятга нисбатан билдирган танқидлари ўринли, албатта.

стратегия ишлаб чиқилди ва қилиниши керак бўлган вазифалар белгилаб олинди. Унга кўра, вилоятдаги барча қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ўз ҳудудларидаги аҳолининг ҳолидан хабардор бўлиб туришлари учун ҳокимият томонидан 142 донa мобил алоқа воситалари билан таъминланади. Натижада, ҳар бир маҳалладаги эпидемиологик вазият назоратга олиниб, жойларда ташкил этилган мобил гуруҳлар билан доимий мулоқот ўрнатилди.

Дарҳақиқат, жорий йил июль ойининг 14 кунини давомида вилоятда 786 нафар янги касалланиш ҳолатлари қайд этилди. Коронавирус билан касалланиш суръатларининг жадал ортиб бораётгани тизимдаги айрим хато ва камчиликларни юзага чиқарди. Хусусан, коронавирус инфекциясини аниқлашда юзага келатган муаммолар, тез тиббий ёрдам хизмати келиб тушаётган мурожаатларнинг ортиши, аҳолининг бошқа соматик ка-



салликлар билан қарға мурожаат қилиши билмасдан сарсон бўлаётгани айни ҳақиқат. Бу муаммолар юзага келишининг асосий сабаблари – коронавирус инфекциясини ташхислашда ишлатилган аппаратларнинг вилоят аҳолиси талабига нисбатан камлиги, касалланган беморларга мўлжалланган шифо ўринлари ҳамда тиббиёт ходимларининг етишмаслигидир.

Йиғилишдан сўнг вилоят миқёсида тизимдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган

Акс-садо
"Камбағаллик айб эмас, лекин..."
мақоласини ўқиб

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2020 йил 4 июль сонида chop этилган "Камбағаллик айб эмас, лекин..." сарлавҳали мақола жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур мақола юзасидан тахририятга кўп қўлларнинг муносабатларидан фикр-мулоҳазалар баён этилган хат ва мурожаатлар келмоқда.



СИФАТЛИ ХИЗМАТ – ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

Бизнинг суҳбат
Ҳар бир инсон кундалик ҳаётида бирор-бир ҳуқуқий муносабатга киришишига тўғри келади. Масалан, кимдир меросга эга бўлса, яна кимдир ижара, уй ёки машина олди-сотдиси, ҳадя, кредит муносабатлари билан тўқнашади. Бундай ҳолатларда, табиийки, муайян бир нотариал ҳаракатлар бажарилади.



УЙДА ҚОЛИНГ!

COVID-19

Оддий қоидаларга амал қилинг:

1. Қўлингизни оғиз ва кўзингизга теккизмаг;
2. Қўлларингизни тез-тез совун билан ювинг;
3. Ниқоб тақишни унутманг;
4. Ижтимоий масофа сақланг;
5. Тана ҳароратингиз кўтарилса, шифокорга мурожаат қилинг.
6. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинг.



Тошкент вилоятида "Call-center" тиббий маслаҳат марказлари ўз фаолиятини бошлади

Агар сизда "COVID-19" инфекциясининг профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва реабилитацияси билан боғлиқ саволлар бўлса, Тошкент вилоятида ташкил этилган Call-марказлар рақамлари орқали аниқ ва тулақонли жавоб олишингиз мумкин.

Тошкент вилояти (Нурафшон шаҳри) – 1260

- | | | |
|-------------------------|----------------------------|------------------------|
| Оқўғрон тумани – 1261 | Қуйи Чирчиқ тумани – 1268 | Янгийўл тумани – 1275 |
| Оҳангарон тумани – 1262 | Паркент тумани – 1269 | Олмалик шаҳри – 1276 |
| Бекобод тумани – 1263 | Пискент тумани – 1270 | Ангреш шаҳри – 1277 |
| Бўстонлиқ тумани – 1264 | Тошкент тумани – 1271 | Оҳангарон шаҳри – 1278 |
| Бўка тумани – 1265 | Ўрта Чирчиқ тумани – 1272 | Бекобод шаҳри – 1279 |
| Зангиота тумани – 1266 | Чиноз тумани – 1273 | Чирчиқ шаҳри – 1280 |
| Қибрай тумани – 1267 | Юқори Чирчиқ тумани – 1274 | Янгийўл шаҳри – 1281 |

Шунингдек, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида аҳолига тиббий ва психологик ёрдам кўрсатувчи "Call-center" ташкил этилди.

Шунингдек, нафақадаги тиббиёт ходимларини жалб қилган ҳолда call-center (1197) да коронавирус инфекциясининг олдини олиш ва бошқа саволлар юзасидан фуқароларга тўлиқ маълумотлар бериб бориш ташкил этилди. Уй шароитида даволанаётган беморларнинг барчасига бирламчи тизим ши-

талабнинг ошиши натижасида шифокорлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ўқув курслари, онлайн тарзда бир ҳафталик семинарлар ташкил этилиб, ходимлар захираси шакллантирилмоқда. Шунингдек, керакли дори-дармон воситалари тақчиллигининг олдини олиш ва захирасини яратиш

Тошкент вилоятида "Call-center" – тиббий маслаҳат марказлари ўз фаолиятини бошлади



Мазкур марказда тиббиёт коллежларининг 15 нафар ўқувчиси волонтер сифатида аҳоли билан мулоқот олиб бормоқда. Марказга малакали психолог, умумий амалиёт шифокори ҳам бириктирилган. Бу ерда пандемияга қарши курашиш бўйича вилоят, шаҳар ва туманлар штаби билан тезкор ахборот алмашув тизими йўлга қўйилган.

Хурматли фуқаролар! Агарда сиз уй шароитида даволанаётган бўлсангиз ёки тиббий-психолог кўмакка эҳтиёж сезсангиз 1260 қисқа рақамга кўнгирак қилинг! Карантин шароитида озиқ-овқат ва бошқа зарур кундалик эҳтиёж молларига муҳтожлик туғди, 1197 қисқа рақамга кўнгирак қилинг!



Бир кунда 200 га яқин ҳайдовчи карантин қоидаларини бузди

Вилоят ЙХХБ ходимлари томонидан қайта тикланган қатъий карантин қоидаларига амал қилишлари юзасидан ҳайдовчилар, фуқаролар 3 кун давомида (10 июлдан 12 июлгача) расмий

огоҳлантирилиб, уларга нисбатан жарима қўлланилмади. 14 июлда эса каран-

тин қоидаларини бузиш билан боғлиқ 172 та ҳолат аниқланган ва тегишли тартибда чора кўрилган.

Шу ва бошқа турдаги қоидабузарликлар юзасидан бир кунда 517 та автотранспорт воситалари жарима майдонига қўйилган.

ТАНҚИД ЎРИНЛИ, ХУЛОСА ҚАНДАЙ?

фокорлари ҳамда патронаж ҳамширалари бириктирилди. Ҳар бир туманда ҳамроҳ касалликлар мавжуд беморларга тор доирадаги малакали мутахассислардан иборат 2 тадан мобиль тиббиёт гуруҳлари ташкил этилди. Ҳозирда бу гуруҳлар сонини янада кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

бўйича ҳам вилоят ҳокимлиги ва масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли чоралар кўрилмоқда.

Видеоселектор йиғилишидан сўнг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида туну кун ишлайдиган штабнинг иши танқидий қайта кўриб чиқилди. Эндиликда бошқарма ҳамда барча шаҳар ва туманларнинг тиббиёт бирлашмаларида 24 соат ишлайдиган тезкор штаб фаолияти кенгайтирилган тарзда ташкил қилинди. Фуқаролардан тест олишда юзга келаётган муаммоларни бартараф қилиш учун полимер занжирли реакция усулида коронавирусни аниқлайдиган аппаратлар сотиб олиш масаласи, "103"нинг чақирилган манзилга ўз вақтида етиб бориши учун тез тиббий ёрдам бригадалари штатларини ошириш масалалари вилоят ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилмоқда.

Коронавирус инфекциясини юқтириб олган беморларни даволашга ва юқтириб олганлиги гумон қилинаётган фуқароларни вақтинча стационар карантинга олиш учун вилоятдаги ҳар бир шаҳар ва туман юқумли касалликлар шифохоналарида даволаш ва провизор бўлимлари ташкил қилинмоқда.

Бундан ташқари, вилоят ҳудудидаги санаторий ҳамда оромгоҳларда кўшимча 7 минг ўринга эга захира жойлар ташкил этилади. Вилоятдаги мавжуд вакант ўринларга тиббиёт ходимларини жалб қилиш бўйича ҳам ишлар олиб борилаётган. Тиббиёт ходимларига бўлаётган

Тўрақул АРЗИҚУЛОВ, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)



Кичик томорқадан

КАТТА РЎЗҒОР ОБОД

Ҷиноз туманининг «Сутбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Собир ака Раҳмонбердиевлар хонадонини кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Ибрат

Маҳалла раиси Бахтигул Бегайдарованинг таъкидлашича, ўтган ой мазкур хонадонда карантин талаблари асосида тўй бўлгани ва унда камҳаржликка амал қилинган таҳсинга сазовор.

Худудимиз аҳолисининг қарийб 90 фоизидан ортиги томорқадан катта даромад олади, – дейди маҳалла раиси. – Шу са-

бабли ҳам тўқ яшашди. Бизда деярли кам таъминланган оилалар йўқ. Жумладан, Собир ака турмуш ўртоғи билан ҳалол меҳнат орқасидан 3 ўғил ва 1 қизни воёга етказишяпти. Икки ўғли ва келини олий ўқув юрти талабаси. Ҳовлиснинг 14 сотихи томорқа бўлиб, унинг бир қисмида иссиқхона барпо этилган.

Оиланинг барча аъзолари томорқада бирдек меҳнат қилишади. Улар булғор қалампери ва бодринг ҳосилини саранжомлаб олишди, энди навбат помидорга. – Билганга томорқа юни фойда, – дейди Собир ака. – Ерга меҳр билан ишлов берилса, дастурхон тўқин, рўзгор обод бўлаверади. Кичкинагина

томорқа катта рўзгорни бемалол тебратди. Оиламизнинг 17 нафар аъзоси меҳнат билан банд. Шунинг орқасидан фарзандларимизни ўқитяпмиз, бир ўғлимизга уй қуряпмиз, қўйинги, қанча харажат бўлса, ҳаммасини қопляпти. Йиллик даромадимиз 35-40 миллион сўмгача боради.

Ўз мухбиримиз

Табиийки, улар хилма-хил. Яъни, мақолада кўтарилган мавзуга нисбатан билдирилган фикрлар ҳам турлича. Масалан, бир гуруҳ газетхонлар камбағалликнинг бош сабабчиси одамнинг ўзидаги дангасалик, ишқасмаслик ва танбаллик десалар, айримлар бу тоифадаги фуқароларга яратиб берилаётган шарт-шароит ва

эътибор уларнинг камбағалликдан чиқиб кетишлари учун етарли эмас, бунинг учун масаланинг психологик, маънавий-маърифий томонларини ҳам ҳисобга олиш керак, деган фикрларни илгари суришган.

Куйида газетхонлар билдирган фикр-мулоҳазаларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз...



дитлари бўйича қўлайликлар бериладиган бўлди. Ишлайман, даромад топаман, деган одамга бундан ортик қўлайлик бўлмаса керак.

Лекин, шундай вазиятда ҳам "Ишлашни хоҳлаган имкон қидиради, ишлашни хоҳламаган эса баҳона", деганларидек, илгарилари иш ўрни йўқлигидан нолиган одамлар энди бошқа баёнларни рўқач қилиб, шикоят ёзишмоқда. Аслида ният бошқада...

...Инсонга ҳаёт бир маротаба берилади. Ҳаммининг ҳам яхши еб-ичгиси, тўқин-сочин яшаши келади. Ҳашаматли уй-жой, замонавий машиналарни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз. Аммо, бунинг учун меҳнат қилиш кераклигини ҳамма ҳам тан олмас қилмайди. Ота-боболаримиз "Меҳнатнинг тағи роҳат" деганда шуларни назарда тутишган-ку, ахир. Хулоса шуки, энди ўзгаринг, замонага қараб қадам ташланг. Акс ҳолда камбағаллик бутун авлодингизга мерос қолади. Бунга сиз сабабчи бўлиб қолманг...

Сурайё АҲМЕДОВА, журналист

"Ёпиқ мавзу" даги очик баҳс

Камбағалликни камайтириш – ёппасига кредит бериш дегани эмас

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар "ёпиқ мавзу" бўлган. Бу тушунарли ҳол. Лекин, мени бир нарса ўйлантиради. Узи ким камбағал? Ахир, инсон камбағал бўлиб туғилмайди-ю. Тўғри, кам таъминланган оилда воёга етиши мумкин. Аммо, меҳнат қилган одам сира но-чор яшамаган. Бунга ҳаётдан юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Шундан келиб чиқиб айтаманки, камбағаллик бу дангасалик, ишқасмасликнинг белгиси бўлса керак.

Таом тайёрлаш учун картошками, пивезми сураб чиқади. Омон бўлишсин кўшнлар, савоб учун беришади. "Камбағалда бечоралар", деб қўйишади. Ахир, бир умр шундай яшаш мумкинми? Маҳалла идорасига ҳадеганда ёрдам сураб чиқишади. Маҳалла фаоллари Бандлик идораси орқали бу масалада бир неча бор ёрдам бермоқчи бўлиб, уларга иш ҳам топилди. Улар эса турли баҳоналар билан ҳаммасини йўққа чиқаришаверди. Қўйинчи, ишлашни сира хоҳлашмади. Фақат ёрдам пули берилаверса-ю, улар ётволдиб еявериса. Шуларни кўриб камбағал бўлиш бўлмаслик одамнинг ўзига боғлиқ экан, дейманда.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг жорий йил 4 июлдаги сонидида "Камбағаллик айб эмас, лекин..." сарлавҳаси остида берилган мақолани ўқиб, бу борадаги фикрим янада оидинлашди. Аввало, газета ҳозирда жуда долзарб бўлиб турган мавзунини кўтарган. Чунки, айримлар камбағаллик "мақом" остида бошқа манфаатларни кўзлаб иш тутишмоқда.



– Камбағалликни камайтириш – ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак, – деди давлатимиз раҳбари бу мавзуга бағишланган йиғилишида.

Масалан, бир оилани биламан. Оилада етти жон яшашди. Улардан ҳеч бири муқим бир жойда ишламайди. Икки нафар эракч устачилик қилади. Улар ҳам хоҳлаганда ишга боришади, хоҳламаса йўқ. Хонадондаги уч аёл ва воёга етган икки ўғил гирт бекорчи. Эксангиз истаган экин кўкарадиган, парварши қилсангиз ҳосил берадиган томорқалари бор. Ундан ҳам фойдаланишмайди. Энг ачинарлиси, хонадон бекаси ҳамиша турмушдан нолигани нолиган. Ҳали у кўшнидан, ҳали бу кўшнидан

Статистика маълумотларига разм солсак, ҳозирги кунда мамлакатимизда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар бор экан.

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

Дунёқарашини, муносабатни ҳам ўзгартирайлик...

Мен узоқ йиллар психология соҳасида меҳнат қилганман. Айни пайтда ўрта мактабда ёшларга шу фандан дарс бераман. "Тошкент ҳақиқати" газетасида эълон қилинган "Камбағаллик айб эмас, лекин..." сарлавҳали мақолани ўқидим ва масаланинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўз мулоҳазаларимни баён этишни маъқул топдим.

Аввало, икки оғиз камбағаллик тушунишининг моҳиятига тўхталиб ўтсак. Аслида "бой", "камбағал" деган сўзларни шу пайтгача биз оғзаки нутқда ишлатиб келдик. Яқингача бировини "камбағал" деб айтсангиз буни жуда оғир олиб, астойдил хафа бўларди. Мамлакатимизда биринчи бор бу сўзни Президентимиз расмий тилимизда баён этдилар ва юртимизда бу тоифадаги одамлар, оилалар

борлигини очикчасига айтдилар.

Аслида, жамият ҳеч қачон бир текис ривожланмаган, одамлар доим табақаларга бўлинган ҳолда ҳаёт кечирган. Лекин, юртимизда ишбилармон, тадбиркор, қўйинчи, ўз меҳнати билан бой бўлаётган одамларга ҳеч қандай монелик кўрсатилмаган ҳолда, орамизда камбағалларнинг бўлмаслиги учун кенг қўламда саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бу тоифадаги фуқаролар, оилалар учун янги-янги имтиёз, имкониятлар берилмоқда, кўмаклар кўрсатилмоқда, ҳомийлар бириктирилмоқда, банкардан сармоялар ажратилмоқда. Алоҳида таъкидлаб айтиш кераки, бундай сиёсатни бошқа давлатларда учратиш қийин.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Мақолада келтирилганидек, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, республикада оз эмас – 300 мингдан ортик оилга ёрдам ва кўмак зарур. Юқорида

айтганимиздек, бундай тоифадаги оилалар, фуқаролар учун ҳамма қайғурмоқда, ёрдам бермоқда. Лекин, яратилган шароит ва имкониятлар камбағаллик белисидан қутулиш учун етарлими? Назаримда, бугун ана шу саволни ҳам ўртага ташлаб, таҳлил қилиб оладиган пайт келди. Бу нега керак, деган саволга жавоб бериб, шуни айтмоқчиманки, инсон психологиясида шундай тушунча борки, унга қанчалик қўлайлик яратсанг, шунчалик энгилликини хоҳлайверади. Демак, бу масалада ёндошувни бир оз ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари

орқали амалга ошириш мумкин. Чунки, улар ўз ҳудудларида истиқомат қилаётган ҳар бир оила, керак бўлса фуқаронинг дунёқарашини ва юриш-туришини яхши билишади. Иккинчи тақлиф, тўғрироғи мулоҳазамиз шундан иборатки, яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар хонадонларни тўқ яшаши, ҳатто бой-бадавлат бўлиб кетиши учун ўзларига берилаётган катта бир омил эканлигини тушуниб етишларига эришиши керак. Ана шундагина давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор ва қилинаётган ишлар ўзининг самарасини тўлиқроқ беради.

Гулмира МАҲМУДОВА, психолог

Таҳририятдан: мана, бир мақола юзасидан билдирилган икки хил фикр-мулоҳаза билан таъкидланган. Аслида, мақолада кўтарилган мавзу кўпчиликни қизиқтиргани таҳририятга бўлаётган кўнгираклардан ҳам аён бўлмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар ким масалага ўзича ёндошган ва фикрини баён этган. Асосийси, мавзу одамларни мулоҳазага чорлаб, фикр уйғотганида. Бу энг муҳими...

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

Пандемия пайтида карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда тадбиркорлар масалаларини масофадан туриб қабул қилиш тизимини яратиш мақсадида "CHIRCHIQ HOKIMIGA TADBIRKOR MUROJAATI" телеграм-боти ишга туширилди.

Мазкур телеграм бот орқали тадбиркорлар шаҳар ҳокимига тўғридан-тўғри мурожаат йўллашлари мумкин.

ОҲАНГАРОН шаҳридаги юқумли касалликлар шифохонасида коронавирус юқтирган беморлар учун 40 та, шаҳардаги "HOSTEL" меҳмонхонасида 100 та хона мослаштирилиб, жами 140 та захира ўринлари яратилди.



ПИСКЕНТ туманида коронавирус инфекциясини аниқловчи лаборатория ташкил этилади.

Мазкур масалани қисқа фурсатда ҳал этиш, полимер занжирли реакция усулида коронавирусни аниқлайдиган аппарат сотиб олиб, махсус лаборатория ташкил этиш учун туман маҳаллий бюджетдан 500 миллион сўм, тиббиёт ходимларини махсус кийим-бош билан таъминлаш ва лаборатория хонасини жорий таъмирлаш учун 150 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.



Хозир мамлакатимизда кучайтирилган карантин шароити бўлишига қарамадан мавжуд иш ўринларини йўқотмасдан, иқтисодийни мустақамлаб бораётган корхоналар кўп.

ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги "Hilol-Mubin" масъулияти чекланган жамияти кишлоқ хўжалик ва қурилиш соҳалари учун қоп маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда икки сменада, карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда, 200 ишчи меҳнат қилмоқда. Корхона бошқарувчиси Раҳматулла Убайдуллаевнинг таъкидлашича, Хитойдан олиб келинган замонавий ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган қоплардан бир неча тармоқларда фойдаланилади. Улар экспорт ўрнини босувчи бўлиб, маҳаллий бозорларда аллақачон ўз ўрнини топган. Айни кунларда корхонада маҳсулот турларини кўпайтириш борасида олиб борилган изланишлар ўз самарасини берди. Яқинда синтефтон маҳсулоти ва кийим-кечаклар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди



Сир эмаски, нотариал хизматлар кўрсатишнинг тезкорлигини ошириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, жумладан, хусусий мулк эгалари ўз мулкни эркин тасарруф этиши ва ундан фойдаланишида ортиқча бюрократик тўсиқ ва ёғларни олиб ташлаш ҳамда соҳани рақамлаштириш бўйича қатор мақсадли вазифаларни амалга ошириш замон талабига айланди. Шу боис, юртимизда кейинги йилларда нотариат институтининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда нотариал идоралар томонидан

сифатида нотариат ролини мустаҳкамлаш, нотариуслик касби нуфузини ошириш, шунингдек, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириши ҳамда уларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурталанишини ташкил этишни ҳам амалга оширади.

Энг муҳим функциялардан бири, давлат органлари, бошқа ташкилотлар билан муносабатларда ва судда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ифодаланиши ҳамда

Оталик масъулятини ҳис қилмаган "қахрамон"имиз Раббимқул Эркинов (исм-шарифлар ўзгартирилган) оиласи, 3 нафар фарзанди бор.

риши. Улар Бекобод тумани "Кўргон" МФИда ижарага олган уйда яшаб юришди. Шу-шу Раббимқул биринчи оиласи ва фарзандларини унутди, уларнинг ҳолидан хабар ҳам олмади. Зарнигор

мент ундириш учун судга ариза берди.

Суднинг ижро варақасига асосан, бир нафар фарзанди учун барча турдаги даромадларнинг 1/4 қисми миқдорда Раббимқул Эркиновдан али-

маганлиги учун ҳуқуқбузар Раббимқул Эркиновга Ўзбекистон Республикаси МЖТК 474-моддасининг 1-қисми билан 10 сутка маъмурий қароғаси таъинланган эди.

Шундан сўнг ҳам Раббимқул алимент тўлашдан қасддан бўйин товлаб юрди.

МИБ ходимлари томонидан ижро варақасида кўрсатилган фоиз миқдорда алимент пулларини ундириш мақсадида тегишли мутасадди ташкилотларга суровнома юборилди. Р. Эркиновнинг номидаги мол-мулклари текширилди.

Охирига чора сифатида, Р. Эркиновни бир неча маротаба бўлимга чақириб, ундан тилхат ва тушунтириш хатлари олиниб, огоҳлантирилди. Агарда белгиланган фоиз миқдорда моддий зарарни тўламаса, унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиши эслатилади.

Раббимқул шунда ҳам атайлаб алимент пулларини тўламади.

Суд Р. Эркиновни Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиледи.

Шунингдек, Р. Эркиновдан жабрланувчи Н. Жалолова фойдасига 22 млн. 201 минг 156 сўм моддий зарар ундирилишини лозим деб топди.

Шундай қилиб, алиментдан қочган ота жазодан қочолмади.

БИР РАҚАМ ТАФСИЛОТИ

Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси маъмуотларига кўра, жорий йилнинг олти ойи давомида вилоятимиз бўйича жами 10 минг 141 та тадбиркорлик субъекти руҳиядан ўтказилди. Уларнинг 4 минг 284 таси юридик шахс бўлса, қолган 5 минг 857 таси яқка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, тадбиркорлар сафининг кенгайтиши мамлакатимиз иқтисоди юксалилишини лозим деб топди.

Шундай қилиб, алиментдан қочган ота жазодан қочолмади.

Хайрулла КАМОЛОВ, жиноят ишлари бўйича Бекобод тумани суди раиси, Хонбиби ҲИММАТ қизи, журналист



СИФАТЛИ ХИЗМАТ — ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқди. Мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти, нотариал палатанинг вазифалари, хусусий нотариуслар фаолиятининг йўлга қўйилиши одамларга қандай энгиллик беради? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Нотариал палата вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зафар Турғунов билан суҳбатладик.

ҳимоя қилинишидир. Шунингдек, нотариуслар қонун ҳужжатларига, касб этикаси қоидалари ва мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш ҳамда хизмат текширувлари ўтказиш ҳуқуқига эга.

— **Жорий йилнинг биринчи май кунидан хусусий нотариуслар фаолиятига рухсат берилди. Ҳозирда вилоятда неча шу тоифадаги нотариуслар ишламоқда?**

— Президентимизнинг тегишли фармонида кўра, 2020 йил давомида барча давлат нотариал идораларини босқичма-босқич хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар сифатида ташкил қилиш режалаштирилган.

Вилоятимизда ҳозирги вақтда жами 86 та нотариус бўлиб, уларнинг деярли барчаси лицензияга эга, палатамизга бадал пулини тўлаб, хусусий нотариус сифатида фаолият олиб боришарди.

Кези келганда шунини айтиш керакки, хусусий нотариуслар фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳолини нотариал хизматларга бўлган талабини қондиришга, бюрократия ва коррупция ҳолатларига тўла барҳам беришга хизмат қилади. Бундан ташқари, нотариат соҳасида эркин рақобат муҳити вужудга келди. Яъни, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар мувофиқлаштириб бориш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир тақлифлар ишлаб чиқади. Қопаверса, низоларнинг олдини олувчи институт

— **Зафар ака, янги ташкил этилган палатанинг асосий вазифалари нималардан иборат?**

— Нотариал палата хусусий амалиёт билан шуғулланувчи барча нотариусларнинг аъзолигига асосланган нотижорат ташкилот ҳисобланади, бунда давлат нотариал идораси нотариуси ихтиёрийлик асосида ушбу палата аъзоси бўлиши мумкин. Палата нотариусларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашмаслик принципи асосида иш юритади.

Бундан ташқари, хусусий нотариусларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир тақлифлар ишлаб чиқади. Қопаверса, низоларнинг олдини олувчи институт

Зухриддин РАҲМОНОВ
ёзиб олди
Аброр ЭСОНОВ
олган сурат

АЛИМЕНТДАН ҚОЧГАН ОТА

ЖАЗОДАН ҚОЧОЛМАДИ

Муқаддам жиноят ишлари бўйича Бекобод тумани судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси таъинланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги амнистия тўғрисидаги қарорининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган, вақтинча ишламади.

Раббимқул 1986 йилда Зарнигор Сайфуллоева билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган. Орадан вақт ўтиб, уч нафар фарзандли бўлишди. Бир кун оилавий келишмовчилик туфайли Раббимқул уйдан аразлаб чиқиб кетди. Юриб-юриб, кўнгли ўзга ёр тусаб қолади. Насиба Жалолова исми аёл билан 2006 йил май ойда танишиб, ўша йилнинг сентябрь ойида шаръий никоҳдан ўтиб, турмуш қу-

Афсуски, жамиятимизда ўз боласини тан олмайдиган оталар ҳам бор. Улар ҳаттоки, ўз фарзандидан воз кечишга ҳам тайёр.

эса эри ташлаб кетганини ҳеч кимга айтмади, дардини ичига ютди.

Орадан бир йил ўтган, Раббимқулга Насиба ҳам ёқмай қолди. Ўзaro келишмовчилик оқибатида у Насибани ташлаб, Зарнигорнинг ёнига қайтди. Аёл фарзандларининг келажагини ўйлаб, эрининг хиёнатини кечирди.

У ёқда эса Насиба ҳомиладор эди. 2008 йил 10 май кунини у қиз фарзанд кўрди. Бу ҳақда дарҳол эрига хабар берди. Афсуски, Раббимқул фарзандини тан олмади ва унга ердан бермади. Нима қилишга боши қотган аёл оталикни белгилаш учун ДНКга қон топширди. Экспертиза ҳулосасига кўра, фарзанднинг отаси Раббимқул эканлиги тасдиқланди. Моддий жиҳатдан қийналиб қолган аёл али-



мент ундириш белгиланди. Р. Эркинов алимент пулларини тўлаши мажбурийлиги ҳақида расман огоҳлантирилди. Шу ҳақда ундан мажбуриятнома ва тушунтириш хатлари олинди.

Суднинг 2020 йил 13 февраль кундаги алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисидаги қарорига асосан, унинг алиментдан бўлган қарзи 40 ойю 24 кун учун жами 22 млн. 201 минг 156 сўмни ташкил қилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни икки ойдан ортқ мuddат мобайнида тўламагани учун Р. Эркиновга маъмурий жазо қўлланилди.

Бекобод тумани маъмурий судининг 2019 йил 18 июль кундаги қарорига кўра, узоқ муддатдан буён алимент пулларини тўла-

Тошкент вилоятининг маъмурий марказида дарахт кесилиш ҳолати аниқланди ва ҳужжатлар юруратура органларига юборилди, деб хабар берди Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахборот хизмати.



Дарахтларга арра тортган КИМ?

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида биноан давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача мораторий жорий этилган. Шунга қарамай, жойларда қонуний дарахт кесилиш ҳолатлари содир бўлмоқда.

Жорий йил июль ойининг биринчи ўн кунлигида Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси давлат инспекторлари томонидан олиб борилган тезкор рейд давомида Нурафшон шаҳри, «Қорасув» МФЙ, Тошкент йўли кўчаси, 4Р-2 автомобиль йўлининг Тўйтепа текстиль фабрикасигача бўлган масофада жойлашган жами 37 туп ҳар хил турдаги манзарали дарахтлар кесилган ҳолати аниқланган.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республика-

Эълонлар

Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг (шақланган) сотиш қиймати (сўм ва фоиз кўриниши)
1	Чойхона Бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Хўжакент» МФЙ	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	4 469 571 887
2	Бино ва иншоотлар	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Думалоқ ҚФЙ, «Сариқанди» МФЙ	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	4 111 629 678

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича голибқолган баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 13 июлдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 30 кун муддатда соат 9-00 дан 18-00 га ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.
Маълумотлар учун телефон: (71) 293-90-59.
E-mail: toshvil@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 340-80-10 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифидида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида

«Янгийўл-Марказий Томорқа Хизмати» МЧЖга қарашли Янгийўл тумани А. Ортиқов массиви ҳудудида жойлашган 3,0 Га ер майдонида 27 та профил, 2 та контейнер профил, 1 та атцинковой темирдан (80 x 12,5 м. ўлчамда) туннель услубидаги иссиқхона қурилиши учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов иштирокчилардан тижорат тақлифлари газета чоп этилган санадан бошлаб, 5 иш кунини давомида қабул қилинади.

Туннель услубида иссиқхона қурилишининг танлов шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Иссиқхона ўлчами: 80 x 12,5 м;
2. Баландлиги: 5,0 м;
3. Ўраш материаллари: 100 микронли полиэтиленплёнка;
4. Иссиқхона системаси: пўлат қарказ (структура), ўраш, вентиляция системаси, суғориш системаси, салқин қилувчи тўр ва ҳ.к.;
5. Пўлат структура материаллари миллий стандарт асосида юқори сифатли темир профилдан.
6. Суғориш системаси қалинлиги: 0,16 мм. пластмасса труба, 32 мм. лик пластмасса труба.
7. Салқин қилувчи тўр: 0,75 фоизли ўтказма.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

- шартнома шартларини амалга ошириш учун зарур малакали ходимлар, молиявий ресурслар, техник ускуналар, хом ашё ва бошқа зарур ресурсларга эга бўлиши;
- тузиладиган шартномага қонуний томондан ёндошиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлари мавжуд бўлмастлиги;
- банкротлик ҳолатига оид муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.

Маълумот учун телефон: +998 90 100-76-76.

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтўғрон қўргонидан 2015 йилда Халикова Вазира Кахрамонова номига берилган В № 827466 рақамли Бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янгийўл туманидаги "Bahor kommunalchi kafolat" хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли


БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтўғрон қўргонидан 2015 йилда Халикова Вазира Кахрамонова номига берилган В № 827466 рақамли Бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Пушти ранг Нобъмат

Кишлоқ мулкдорлари | Тошкент туманидаги 15 гектарли ҳудудда жойлашган "Ғазалкент қурилиш моллари" масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхона хўжалигини маҳаллий аҳоли "пушти рангли жаннат" деб аташади. Бунинг сабаби, мазкур иссиқхонада помидорнинг пушти рангли "Пинк Парадайз" ва "Аламин" навлари етиштирилади.



Кумуш САЛОМОВА
Тошкент ҳақиқати/
Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ
олган сурат

Бу навлар "инжик эмас", паст ҳароратда ҳам ҳосилни ташлаб юбормайди, ҳар бир помидорнинг ҳажми 180-200 граммга етади. Айниқса, шарбати куюк, мазали ва тиниқ чиқади. Ҳосилнинг пишиб етилишини россиялик харидорлар кутиб туришади ва дарҳол сотиб олишади.

— Помидорнинг бу навлари узиб олинганидан кейин ҳам ан-

чагача яхши сақланади, — дейди жамият раҳбари Каримжон Ҳасанов. — Хориқлик харидорлар ҳам: "Худди янги узилгандек етиб келибди", деб мамнун бўлишмоқда. Сабаби, маҳсулотнинг сифатини бузмаган ҳолда транспортда етказиб беришда ҳам ҳеч қандай муаммо йўқ.

Шунингдек, жамиятга қарашли ерларга бодринг, булғор қалампери, сабзи ва бақлажон каби сабзавотлар, янги барпо этилган интенсив боғга эса гилос, олма, шафтоли ва узум кўчатлари экилган. Алоҳида майдонда лимоннинг "Мейер"

нави парваришланмоқда. Экинларнинг ривожини мутахассис Ҳикматилла Шукуров доимо назорат қилиб туради.

Кетар чоғимиз, кўп тармоқли хўжалиқдаги яна бир янгилик ҳақида эшитиб қолдик. Гап шундаки, яқинда жамиятга 15 жуфт туяқуш келтирилиб, парваришланаётган экан. Кўни кеча эса уларнинг туҳумидан 10 га яқин туяқуш жўжалари чиқибди.

Тошкент воҳаси:

Арсона ва ҳақиқат

Ҳар бир жой номининг ўзига хос таърихи ва маъноси бор. Улар маълум даврга бориб тақалади ва ўша даврдаги воқеа-ходисалар, анъаналар ҳақида ҳикоя қилади.

Фанда географик жой номлари топонимлар, уларни тадқиқ қилувчи илмий эса топонимика дейилади.

Топонимларни ўрганиш нима учун муҳим?

Жой номлари ёзма ва археологик манбалар каби ҳар бир улқа учун муҳим тарихий манба ҳисобланади. Топонимик маълумотлар ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида тарихий тасаввурлар бериш билан бирга қадимда ҳар бир ҳудудда қандай этнослар яшаганини аниқлашга ҳам катта ёрдам беради. Ўзбекистон ҳудудида минг йилдан зиёд тарихга эга жой номлари жуда кўп, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам.

Тошкент воҳаси қадимдан Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутган. Чоқ воҳасида қадим ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган жой номларига оид маълумотлар асосан хитой ва араб-форс манбаларида сақланиб қолган. Воҳага тааллуқли баъзи жой номлари эса қисман сўғдий ва бошқа тиллардаги манбаларда учрайди.

Чиночкат — Чиноз, Фаранкат — Паркент

IX-X асрларнинг араб географлари ўз асарларида Тошкент шаҳри — Бинкет номи билан бирга Тошкент воҳасидаги ўнлаб шаҳарлар номларини тилга олишган. Бу номлар худди ўшандай, қисман ёки сал ўзгарган шаклда вилоятдаги шаҳар ва қишлоқларнинг номи сифатида шу кунгача сақланиб келгани билан аҳамиятлидир.



Масалан, X аср IX-X асрларнинг араб географлари ўз асарларида Тошкент шаҳри — Бинкет номи билан бирга Тошкент воҳасидаги ўнлаб шаҳарлар номларини тилга олишган. Бу номлар худди ўшандай, қисман ёки сал ўзгарган шаклда вилоятдаги шаҳар ва қишлоқларнинг номи сифатида шу кунгача сақланиб келгани билан аҳамиятлидир.

Масалан, X аср

Шанба табассуми

Шифокор аёл овозини тобора пасайтириб борар, мен бутун диққатимни жамлаб эшитиб, айтган рақамларини такрорлардим. Шифокор аёл иккинчи қулоғимни ҳам шу йўл билан текширгач деди: — Эшитишингиз яхши экан. Ташвишлинишга ҳожат йўқ. — Текширишинг бошқа усули йўқми? — дедим қулиб. — Нима учун? — мулоим жилмайди шифокор аёл. — Ҳа, энди, бу қулоқлар... бошқа ҳеч нарсани эшитмай қолганда ҳам... аёлларнинг шивирлашини эшитавердида... Сочимни олдириш учун эски шаҳардаги сартаврешхонага кирдим. — Э-э, келдингизми, домла?.. Узим ҳам бугун-эрта келиб қолсангиз керак, деб ўйлаб юргандим, — деди уста хушмуомалалик билан қарши оларкан. — Нера? — дея таажубланиб сўрадим мен. — Тунов кўни сизни телевизорда кўрувдим, домла, сочингиз анча ўсиб кетган эканда... Ҳабиб СИДДИҚ

Билмур Бисотдан

Тебаҳо Нарсанинг баҳоси

- Туғилган кунинг эсдан чиқса чиқсини, бироқ нима учун туғилганини эсдан чиқмасин.
- Сассиқ дарахга кўниб, чаҳ-чаҳлаб сайраётган булбулни ким кўрибди?
- Ҳайвонлар ҳам инсоний муносабатга муҳтож.
- Сиз вақтни тежамасангиз, вақт сизни тежайди.
- Одамларни барча кучли ва заиф томонлари билан, улар қандай бўлсалар шундайлигича қабул қилиш керак.
- Агар сен ҳалол меҳнат қилсанг, одамлар сени ўзлари излаб топади.
- Кўришни истасанг, ҳар қандай кимсада ҳам истаганча яхшиликларни кўришинг мумкин. Бунинг учун некбин кўз бўлиши керак.
- Олимнинг жоҳиллиги нимаю, жоҳилнинг олимлиги нима?
- Билмаслик гарчи айб эмас, илло фазилат ҳам эмас.
- Юксалишни истасанг — бошқаларни кўтар!
- Бошқаларни пастга тортаётган одам ўзининг ер қаърига кириб кетаётганини сезмайди.
- Чўғ пуфлаб аланга олдирилмаса, устини кул босиб сўнади. Пичоқни қайраб турмасангиз, ўтмаслашади, кесмайди. Рақобат йўқ жойда инқироз пайдо бўлади...
- Ёмоннинг ёмонлигини гапиргандан кўра, яхшининг яхшилигини гапирган яхши.
- Бирон киши билан гаплашмоқчи бўлсанг, шундай бир тилда гаплашгинки, то гаплашганингда қадар у сенга душман бўлса — дўстга айлансин!
- Сен ўзингга бошқалар кўзи билан қара. Бошқаларга ўз кўзинг билан.
- Ҳаёт — оқар дарё... Дам ганимат. Ҳазрати одами зиёрат қил. Оқилларга кўмаклаш. Мухтожларнинг қорига яра. Эртадан бошлайман, дейсанми? Эртага кеч бўлиши мумкин. Агар бугун ҳали кеч бўлиб қолмаган бўлса...
- Бировни ошириб-тошириб мақташ — уни ортиқ даража ерга уришдек гап. Ҳар иккала ҳолатда ҳам меъёр бузилади.
- Дунёнинг ишлари қизиқ. Одамлар бир-бирига яқинлашганда учун гоҳо бир-бирларидан узоқлашганлари ҳам керакка ўхшайди. Ана шунда улар бир-бирларининг исини, шеvasини, аъмолини соғинадилар. Кимни ва нимани йўқотганини англайдилар, бир-бирларига қараб талпина бошлайдилар!
- Ўзгаларнинг қалбларига тилинг билан эмас, дилинг билан кир.
- Бир-бирининг тагига сув қўйма — чўллаб қолдиранлар бор.
- Одам боласини, мурғак қалбни бадбинлик ва нафрат билан фақат ўлдириб ва ногирон қилиш мумкин.

Ғайбулла ас-САЛОМ

Тоғу тошларни, қир-адирларни кешишни ёқтирадиган бир кўзи кўр одам бор эди. Бир кўни, хилма-хил рангдаги галати бир кишлоқни кўриб қолди. Кишлоққа яқинлашди. Бу ернинг йўллари, уйлари ва ҳатто у ерда яшовчи аҳоли ҳам ажабтовор эди. Бунинг боисини кишлоққа киргач, тушунди. Бу ер кўрлар кишлоғи эди. Эркагу аёлнинг, ҳатто болаларнинг ҳам кўзлари юмик эди... Одам шу ерда яшашга қарор қилди.



Кўрлар қишлоғи

Кўрлар эса на кўзни, на кўришни билишарди. Бу ҳисни ҳатто тушунишмасди. — "Кўраман" деганинг нима-си? Қандай қилиб кўрасан? Яъни эшитилмайдиган масофадан нима бўлаётганини билиб турасанми? — деб сўрадилар. — Албатта, — деди одам. — Сенга ишонмаймиз. Имтиҳондан ўтишинг керак, — дейишди кўрлар. Ва одами ўзлари турган жойдан анча узоқроққа олиб боришди. Бу масофадан ҳеч нима эшитилмаслиги уларга аён эди. — Айт-чи, биз ҳозир нима қилаяпмиз? — деб сўрашди. — Ўтириб гаплашасизлар.

"Сомсангизни есангизчи!"

Масхара расмлар устаси Абдуғаффор Маматов тамадди қилиб олиш учун сомсахонага кирса, столлар устига "Муштум" журнали ва рақлари ёзиб қўйилган экан. Сомса олиб келиб, ўтириб, бир пиёла чойни хўплабоқ қўшни столдаги икки йигит журнал саҳифасидаги ўзи ишлаган "Сўзсиз сурат"ни муҳокама қилишаётганини кўрибди. Бири расом ундай демоқчи бўлган, деса, иккинчиси, йўқ, бундай демоқчи бўлган, деб тортишиб қолишибди. Томорқасида етиштирган сабзавотларнинг бир қисмини Шаҳрихон бозорига олиб чиққан, одмигина кийинган рассом чидаб туролмасдан суҳбатга аралашиб, расмини изоҳлай бошлабди. Шунда йигитлардан бири ўқрайиб қарабдида, жаҳл билан дебди: — Ақлингиз етмаган нарсанга аралашиб нима қиласиз, ака. Сомсангизни есангизчи!..

Беш банги

Кишлоғимизда "Бешбанги" деган маҳалла бор. Одамлари дилкашлиғи ҳазил-мутойибада бошқалардан қолишмайдиди. Юқоридан келган меҳмонни кишлоқ ва маҳаллалар билан таништириб юрган туман раҳбарларидан бири "Бешбанги"га келиб қолибди. Катталар машинасини тўхтатиб салобат билан тушишса, гузарда уч киши гурунглашиб турган экан. — Бу ерни Бешбанги дейишарди, сизлар учтасизларку, — ҳазиллашибди раҳбар салом-алиқни

Текширишинг ишончсиз усули

Эшитиш қобилиятим сал пасайгандек туюлиб, поликлиникага бордим. Шифокор аёл эшитишимни текшириш учун бир қулоғимга бармоғини қўйиб айлантириб шовқин ҳосил қилдида, мулоим овоз билан сонларни айта бошлади, мен такрорлаб турдим. — Ун саккиз... ўттиз тўрт... эллик олти... йигирма бир... олтимиш етти...

Ким нимага қарайди?

"Сиз билан кўришганда сартавреш бошингизга, чевар эгингизга, қосиб оёқларингизга... гўрков эса бўйингизга разм солади", деб ёзган эди шоир ва адиб дўстимиз

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи — 205. Буюртма Г-743. 8 402 нусхада чоп этилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлари: Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нарийб-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Бууюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@mail.uz | tt-tp@inbox.ru

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 18.30 1 2 3 4 5

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш
ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаҳҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Сайдулла
САЪДУЛЛАЕВ